

Денов тadbиркорлик ва педагогика институти педагогика факултети
" Бошлангич таълим методика " кафедраси ўқитувчилари томонидан
Сариосиё туманидаги 68- умумий ўрта таълим мактабида ўтказган 9 -сон
махорат

дарси байённомасидан кўчирма

28 "11" 2024 йил

Денов ш

Катнашдилар: Сариосиё туманидаги 68- умумий ўрта таълим мактабининг барча
ўқитувчилари

Кун тартиби:

1. Денов тadbиркорлик ва педагогика институти " Бошлангич таълим методика " кафедраси ўқитувчилари Маънавият сектор хонасига ташриф буюрди ва хонанинг жихозланиши билан танишдилар ва керакли тавсиялар берилди

Эшитилди:

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан мактаб директори Т. Рабшанқулова сўзга чикиб куйидаги маълумотни берди.

Денов тadbиркорлик ва педагогика институти " Бошлангич таълим методика " кафедраси ўқитувчилари Президентимизнинг жорий йил 16-17 ноябрь кунлари вилоятга ташрифи чоғида воҳада "Маънавият сектори"ни ташкил этиш бўйича "Сурхондарё тажрибаси"ни яратиш вазифаси белгилаб берилганлиги сабабли мактабимизда «Маънавият инсон кўзгуси» мавзусида давра суҳбати ташкиллаштирди. Ўтган давра суҳбати мактабимиз ўқитувчиларига яхши таъсурот қолдирди. Давра суҳбатида Ташкил этилган "Маънавият сектори" билан боғлиқ масалалар ҳамда секторнинг асосий вазифалари юзасидан батафсил маълумот берилди. Президентимизнинг куйинчаклик билан маънавий-маърифий ишларга эътибор қаратиши биз соҳа вакилларини руҳлантирди. Чунки бугун юртимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишда барча соҳаларда янги ташаббуслар илғари сурилмоқда. Маънавият соҳасидаги амалга оширилаётган эзу ишлар ушбу ташаббусларга қанот бўлмоқда. Ҳаёт шиддат билан ўтиб бораётган бугунги глобаллашув шароитида маънавий тарбиянинг ўрни бекиёс. Чунки маънавиятли, маърифатли инсонлар миллатни севади, уни асрайди. Илмсиз, билимсиз ва тафаккурсиз қатта марраларни қўлаб бўлмайди.

Албатта, юксак марраларга эса маърифат билан, маънавият билан, китобхонлик билан эришилади. Маънавий тарбия тўғри йўлга қўйилмаган жойида маърифат бўлмайди. Маънавият оқса-са, илмий таракқиёт ҳам оқсайди.

Шундай фикрлар мактаб ўқитувчилари Холмова Н. Абдулло ва бошқа устозлар томонидан ҳам билдирилди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чикиб йиғилишда

Қарор қабул қилинди:

"Бошлангич таълим методика" кафедрасининг "Маънавият сектори" га бағишланган
«Маънавият инсон кўзгуси» мавзусида давра суҳбати намунали деб баҳолансин.



Мактаб директори:

Adil

Т. Рабшанқулова

